

Олдос Ҳаксли

# Ажиб янги дунё

Тошкент  
2023

**УЎК 821.111-31**

**КБК 83.3 Англ**

**Ҳ 20**

**ҲАКСЛИ, Олдос**

**Ажиб янги дунё** [Матн] / Олдос Ҳаксли, Рафиқ Ўзтурк таржимаси. Тошкент: "NIHOL" nashriyoti, 2023. 258 бет.

**ISBN 978-9943-23-192-4**

*Таржимон*  
**Рафиқ Ўзтурк**

*"Asaxiy books" лойиҳаси доирасида таржима ва чоп қилинди*

Олдос Ҳакслининг жаҳон адабиётида чуқур аҳамият касб этган шоҳ асари "Ажиб янги дунё"да тенгсизлик ҳукм сурувчи, технологик ривожланган келажакни тафтиш қилади. Бу мамлакатда одамлар авторитар бошқарув тизимини пассив қўллаб-қувватлашлари учун генетик усулда кўпайтирилади, ижтимоий жиҳатдан мослаштирилади ҳамда фармацевтик йўл билан кучсизлантирилади. Буларнинг бари инсонни эрки, инсоний қиёфаси ва, эҳтимол, қалбидан маҳрум қилади. Ҳакслининг дурдона асари "Ажиб янги дунё" миллионлаб ўқувчиларни ҳайрат ва ваҳимага солди, бизни огоҳлантирувчи, ўйга толдирувчи ажойиб бадий асар ўлароқ, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмади. 1930 йилги фашизм булутлари сояси остида ёзилган ушбу асар нафақат ўша давр жамиятларига, балки оммавий кўнгилхушлик, технология, тиббиёт, фармацевтика, кўндириш санъати ва элитанинг яширин таъсири ҳукмронлик қилаётган XXI аср дунёсига ҳам мурожаат қилади.

**УЎК 821.111-31**

**КБК 83.3 Англ**

**ISBN 978-9943-23-192-4**

© "Asaxiy books" МЧЖ, 2021

*Утопиялар рўёбини тасаввурга сиғдириш бугун ҳар қачонгидан ҳам осонлашди. Бу эса олдимизга бошқа бир оғриқли саволни кўндаланг қўяди: хўш, бу муқаррарликдан қандай қочиб қутулиш мумкин? Утопияларга етса бўлади. Ҳаёт бизни утопияларга элтади. Эҳтимол, янги давр бошланар. Шундай даврки, илм ва маданият аҳли утопиядан халос бўлиш ва у қадар “мукаммал” бўлмаган ҳамда нисбатан озодроқ нон-утопик жамиятга қайтишни орзу қиладилар.*

Николай Бердяев



# 1

Ўттиз тўрт қаватдан иборат пастқам, кулранг бино. Асосий дарвозасига “МАРКАЗИЙ ЛОНДОН ИНКУБАТОРИЙСИ ВА МОСЛАШТИРИШ МАРКАЗИ” деган пешлавҳа осилган, гералдик қалқон юзида эса Бутунжаҳон Мамлакати шиори – “ЖАМОА, ЎХШАШЛИК, БАРҚАРОРЛИК” акс этиб турибди.

Биринчи қаватдаги улкан зал деразалари шимолга қараган. Зал ИЧИ нафасни бўғадиган даражада иссиқ бўлишига қарамай, ойна орти бутун ёз бўйи совуққина эди. Қўёшнинг ўткир ва ингичка шуъласи қандайдир ўралган беозор манекенни, сўлғин ва ғуддадор бўлса-да, шир-яланғоч танани очкўзлик билан излаб ойнадан мўралайди-ю, лабораториянинг никель, шиша, совуқ жилванган чинниларидан бошқа нарса тополмайди. Қишни қиш қарши олади. Ишчиларнинг халати оқ, қўлларида эса мурданикидек рангпар резина қўлқоплар бор. Ёритиб турган нур ҳам совуқ, ўлик ва хира; микроскопнинг сариқ найчалари юзасидагина жонланиб, ширали тус оларкан, иш столларига қатор терилган бу силлиқ қувурчалар сиртига сариеғ суртилгандек таассурот уйғотарди.

– Бу – Уруғлантириш зали, – деди Инкубаторий ва Мослаштириш маркази Раҳбари эшикни очаркан.

Раҳбар кирганда уч юз нафар уруғлантирувчи ўз микроскоплари узра мук тушганча нафасларини ичига ютиб, чуқур сукутга чўмганди. Фақат ора-сирада кимдир ҳардамхаёллик билан минғирлаб қўяр, диққати бўлиниб, ҳуштак чаларди. Митти ва тажрибасиз жўжалар галаси монанд янги келган ёш талабалар Раҳбарнинг ортидан ҳаяжон ва тавозе билан қадам ташладилар. Ҳар

бир “жўжа”да биттадан ён дафтар, буюк раҳнамо оғзини очди дегунча, унинг салкам аксиришини ҳам қайд этиб қўйишга чоғланишарди. Донишманд оғзидан биринчи қўл қайдлар! Ноёб имконият! Марказий Лондон ИММ раҳбари янги талабаларни заллар ва бўлимлар билан шахсан таништириб чиқишни ўзининг доимий бурчи санарди.

– Умумий ғояни англаб олишинглар керак, – дея мазкур экскурсия муддаосини очиқлади у. Дарвоқе, қилаётган ишларининг моҳиятини англаб етишлари учун ҳам уларга умумий ғоя ҳақида тасаввур бериш керак, фақат оз миқдорда, акс ҳолда, улардан жамиятнинг бахтиёр ва дуруст аъзолари чиқмайди. Ахир бу ҳаммага аён: бахт ва фазилат эгаси бўлишни истасанг, аниқ нарсаларни бил; умумий ғоялар, шаксиз, маънавий ёвузликдир. Файласуфлар эмас, марка йиғувчилар ва чорчўп усталари жамиятни тутиб турувчи устунлардир.

– Эртадан, – гапида давом этди у мулойим ва бироз таҳдидли жилмаяркан, – ишга жиддий киришишингиз керак бўлади. Умумий хулосалар қилишга вақт қолмайди. Ҳозирча эса...

Ҳозирча каттагина илтифот кўрсатилди. Унинг оғзидан чиққани тўғридан-тўғри дафтарга кўчарди – йигитчалар уларни телбаларча қоғозга туширарди.

Баланд бўйли, қотмадан келган, аммо қадди тик Раҳбар залга кирди. У ияқдор, гапирмаган пайтида йўғон ва дабдабали қайрилган лаблари йирик тишларини қоплаб турарди. Ёш эдими ё қари? Ўттиз ёшдами? Элликдами? Балки, эллик бешдадир? Буни аниқ айтиб бўлмасди. Қолаверса, бу савол хаёлингизга келмасди ҳам; айна дамда, барқарорлик даврида, Форддан кейинги 632 йилда бунақа саволлар мияга келиши амримаҳол.

– Бошидан бошлайман, – деди Раҳбар ва ўша заҳоти талабаларнинг энг тиришқоқлари унинг мақсадини оққа кўчирдилар: *“Бошидан бошлайман”*.

– Мана шу ерда инкубаторларимиз жойлашган, – де-ди у қўли билан ишора қилиб, сўнг иссиқлик ўтказмайдиган эшикни очди. Талабалар кўз ўнгида рақамлаб қўйилган қатор-қатор пробиркалар – штативлар, стеллажлар гавдаланди.

– Булар ҳафталик тухум ҳужайралар партияси. Ўттиз етти даража ҳароратда сақлаймиз; нар уруғларига кел-сак, – энди у бошқа эшикни очганди, – уларга ўттиз беш даража иссиқлик кифоя. Қон ҳарорати уларни бепушт қилиб қўйган бўларди.

(Момиқ пахтага ўралган қўй насл бермайди).

Раҳбар ўрнидан жилмай, замонавий уруғлантириш жараёнини қисқача баён этишга киришди, қаламлар эса ўша-ўша қоғоз узра югуриб, мужмал излар қолдирарди. Бошлиқ гапни, албатта, жараённинг жарроҳлик амали-ётига оид муқаддимасидан бошлади:

– Ярим йиллик маошга тенг мукофотни қўя турайлик, жамият равнақи учун ҳам бу столга ётишга ихтиёрий равишда рози бўлишди.

У кесиб олинган тухумдоннинг яшовчанлигини сақ-лаш, унумдорлигини ошириш йўлларига ҳам тўхталиб, оптимал ҳарорат, ёпишқоқлик, тузли таркиб ҳақида маъ-лумотлар берди. Ажратиб олинган ва етилган уруғлар сақланувчи озуқавий суюқлик ҳақида гапираркан, қўл остидагиларни иш столига юбориб, ўша суюқлик пробир-кадан қандай олиниши, микроскопнинг махсус иситил-ган шиша слайдига томчилатилиши, ҳар бир томчидаги тухумҳужайралар нуқсони бор ёки йўқлиги ўргани-лиши, кейин қайта санаб чиқиб, ғовак тухумидишларга жойланиши, идиш (у талабаларни сал нарига олиб ўтиб, бу жараёни ҳам ўз кўзлари билан кузатишларига қўйиб берди) сперматозоидлар эркин сузиб юрган илиқ суюқликка ботирилиши, суюқлик зичлиги ҳақида ало-ҳида таъкидлаб, бир миллилитрга камида юз мингта тўғри келиши кераклиги, ўн дақиқадан сўнг тухумидиш-

ни суюқликдан олиб, таркиби қайта текширилиши, тухумхужайраларнинг барчаси уруғланмаган бўлса, идиш қайта ботирилиши, зарурат туғилса, учинча марта ҳам бу ҳолат такрорланиши, сўнг уруғлантирилган тухумлар инкубаторларга қайта жойланиб, альфа ва беталар то тикинлаш жараёнигача ўша ерда қолиши, гамма, дельта ва эпсилонлар эса ўттиз олти соатдан сўнг Бокановский услубида ишлов бериш учун ажратиб олиниши кабилар ҳақида батафсил тушунтирди.

– Бокановский услуби бўйича, – такрорлади Раҳбар (талабалар эса бу сўзларни ҳам ўз ён дафтарчаларига қайд этиб қўйдилар), – бир дона тухумхужайра, битта ҳомила, бир балоғатга етган организм – табиий ривожланиш схемаси шу. Бокановский услуби қўлланган тухумхужайра эса пролиферлашади, яъни куртакланади. У саккизтадан тўқсон олтитагача куртак бериб, ҳар бир куртак тўлиқ ривожланган ҳомилага, ҳар бир ҳомила эса одатий ўлчамдаги, тўлақонли организмга айланади. Олдин биттагина одам вояга етган бўлса, шу тарзда биз бирдан тўқсон олтитасини етиштирамиз. Мана, натижа! Аслида, бокановскийлаш ривожланишга тўсқинлик қилувчи жараёнлар тизимидан иборат. Биз меъёрий ўсиш йўсинига ҳалақит берамиз, бироқ қанчалар ғалати кўринмасин, улар бунга жавобан куртакланади.

*“Бунга жавобан куртакланади”*, – қаламлар ёзишдан тинмасди.

У ўнг тарафни кўрсатди. Устида пробиркалар тизмасини элтиб бораётган конвейер тасмаси темир қути томон аста ҳаракатланар, қутининг нариги тарафидан эса ишлов берилганлари чиқиб келмоқда эди. Машиналар заифгина гувилларди.

– Штатив ва пробиркаларга ишлов беришга саккиз дақиқа етади, – таъкидлади Раҳбар. – Тухумхужайралар саккиз дақиқагача рентген нурига дош беради. Айримлари дош беролмай, нобуд бўлади. Қолганларидан энг

чидамлилари иккига бўлинади, кўплари эса тўртта куртак беради, баъзилари ҳатто саккизта. Шундан сўнг куртаклар ривожланишга киришиши учун тухумхужайраларнинг барчаси инкубаторларга қайтарилади. Сўнг икки сутка ўтгач, улар бирдан совитилиб, ривожланишига монелик қилинади. Бунга жавобан улар яна урчиб, кўпая бошлайди, ҳар бир куртак иккитадан тўртта ё саккизтагача янги куртакларни беради ва ўша ондаёқ уларни спирт билан салкам ўлгунича гангитиб қўямиз. Натижада улар яна – учинчи бор кўпаяди. Шундан сўнггина уларга хотиржам униб-ўсишлари учун имкон яратилади. Чунки энди уларнинг ривожига ҳалал бериш муқаррар ўлимга олиб келади. Шундай қилиб, аввалги бир дона аслий тухумхужайра тақрибан саккизтадан тўқсон олтигача ҳомила олиш имконини беради. Хўп деяверинг, табиий жараёнга бундай ижобий таъсир ўтказиш – мўъжизанинг ўзи. Ҳолбуки, эски замонларда она қорнида тухумхужайранинг тасодифий бўлинишидан иккита ёки учта айнан ўхшаш эгизак пайдо бўларди, бу ерда эса ўнлаб бир-бирига ўхшаш алоҳида ҳомилалар бор.

Раҳбар, худди ҳиммат кўрсатаётгандай, қўлларини кенг ёзиб такрорлади:

– Ўнлаб! Ўнлаб ва яна ўнлаб...

Аммо талабалардан бири шунчалар содда эканки, бунинг афзаллиги нимада эканини сўрашга журъат қилди.

– Бўталоғим!.. – у томонга кескин бурилди Раҳбар. – Наҳотки, шунга ақлингиз оқсади? Наҳотки, оқ-са-ди?

У қўлларини баланд кўтарди, юз ифодаси виқорли эди.

– Бокановскийлаштириш жамият барқарорлигининг энг ишончли кафолати-ку!

*“Жамият барқарорлигининг энг ишончли кафолати”*, – бу гап ҳам унинг оғзидан чиқиб ўлгурмай ён дафтарларга муҳрланди.

– Стандарт эркак ва аёллар. Баб-баравар ва бир хил. Бокановскийланган биргина тухумхужайра билан

бутун бошли кичикроқ заводни таъминлаш мумкин. Тўқсон олтита бир хил дастгоҳда ишлаётган, икки томчи сувдай ўхшаш тўқсон олти эгизак!.. – Раҳбарнинг овози ҳаяжондан бир оз титраб чиқди. – Ўз ўрнингизни албатта биласиз. Тарихда биринчи марта. “Жамоа, Ўхшашлик, Барқарорлик”...

У сайёра шиорини дона-дона қилиб айтди. Буюк сўзлар!

– Агар тўхтовсиз бокановскийлаштириш имкони бўлганда эди, барча муаммолар ўз ечимини топиб кетарди.

Уларни бир турдаги гаммалар, бир хил дельталар, бир қолипдаги эпсилонлар ҳал қиларди. Бир тухумхужайрадан унган миллионлаб айнан ўхшаш эгизаклар. Оммавий ишлаб чиқариш тамойили ниҳоят биологияга татбиқ қилинди.

– Аммо, афсуски, – Раҳбар бошини чайқади, – бу чўққига етиб бўлмайди, тўхтовсиз бокановскийлаштиришнинг иложи йўқ.

Афтидан, эришиш мумкин бўлган энг юқори натижа тўқсон олтита, қониқарли, ўртача рақам эса етмиш икки эди. Юқори натижага яқинлашишнинг (эҳ, яқинлашиш холос!) ягона йўли – битта тухумдондан олинган тухумхужайра ва битта эркақдан олинган гаметадан имкон қадар кўпроқ бокановскийланган насл олиш. Лекин бу ҳам осон эмас.

– Чунки тухумдон табиий шароитда икки юзта етилган тухумхужайра бериши учун ўттиз йил кетади. Бизнинг ишимиз эса доимий равишда аҳоли сонини барқарорлаштириб туришдир. Ишни чорак асрдан ортиқча чўзиб, эгизакларни томчилатиб ўтириш нимага ҳам кор келарди?

Албатта, бу ҳеч нимага кор келмасди. Аммо Подснап услуби шарофати билан еилтириш жараёни сезиларли тезлашди. У икки йиллик қисқа муддатда тухумдондан камида юз элликта вояга етган тухумхужайра олиш им-

конини беради. Бу тухумхужайраларни уруғлантинг ва боконовскийлаштинг, бошқача айтганда, етмиш иккига кўпайтинг. Қарабсизки, ёшлари орасидаги фарқ нари борса, икки йил бўлган бир юз эллик партия эгизакдан деярли ўн бир минг нафар ака-ука, опа-сингиллар чиқиб турибди.

– Истисноли ҳолларда битта тухумдондан ўн беш мингдан ортиқ ҳосил униб қолиши ҳам мумкин.

Шу вақт нарироқдан малла сочили, қип-қизил юзли йигит ўтиб қолди.

– Жаноб Фостер!.. – чақирди Раҳбар. Қизғиш юзли йигит улар томон яқинлашди.

– Жаноб Фостер, бизга шу кунгача битта тухумдондан олинган энг кўп насл сонини айтсангиз.

– Бизнинг Марказда бу рақам ўн олти минг ўн икки-тани ташкил қилади, – жаноб Фостер тутилмасдан, мовий кўзлари ёрқин чарақлаганча жавоб берди. У жуда тез гапирар ва рақамларни айтаётганидан мамнунлигини яширмасди. – Ўн олти минг ўн икки – бир юз саксон тўққиз эгизак партиядан. Лекин, албатта, – у вайсашда давом этди, – айрим тропик Марказларда натижалар бирмунча юқори. Сингапур одатда ўн олти минг беш юздан ортиқ олади, Момбас эса ҳатто ўн етти минглик маррага етди. Аммо буни тенг кучлилар беллашуви деб бўладими? Занжи тухумдони гипофиздан қандай таъсирланганини кўрганингизда эди! Европа материалини ишлатиб юрган биз кабиларни бу шунчаки довдиратиб қўяди. Ҳали ҳам, – у самимий кўлги билан қўшиб қўйди, аммо унинг кўзлари жанговар руҳда ёнар, жағи эса олдинга даъваткорона чўзилганди, – аммо имконимиз бўлса, биз уларни енгилни истаймиз. Айни дамда мен ажойиб дельта-манфий тухумдон устида ишляпман. Ишлашни бошлаганимга бир ярим йилгина бўлди. Лекин ундан аллақачон ўн икки минг етти юздан ортиқ бола олинди – бир қисми бошқа бўлимга ўтказилди, бир қисми

ҳали эмбрион. Шунга қарамай, тухумдон ҳали бақувват. Ҳа, биз ҳали уларни доғда қолдирамиз!

– Ғайратингизга балли!.. – хитоб қилди Раҳбар ва жаноб Фостернинг елкасига қоқиб қўйди. – Бизга қўшилинг, мана бу ёшлар ҳам билимингиздан баҳраманд бўлиб қолишсин.

Жаноб Фостер камтарона жилмайди:

– Жоним билан!

Шундан сўнг улар сайрни бирга давом эттиришди.

Тиқинлаш залида иш уйғун ва бир маромда қайнардди. Бу ерга ертўладаги Тана аъзолари сақланадиган омбордан митти лифтларда янги сўйилган чўчқанинг бир ўлчамда кесиб олинган қорин пардаси бўлаклари келиб турибди. Визиллаб келган лифт эшиги шарақлаб очилади. Шишаларни бир текисда териб қўювчи эса қўлини чўзиб, бўлакларни олиб, шиша ичига текис жойлаб турса бўлгани. Кейин тасма устида терилган шишалар силжиб, қўл етмас жойга бормасдан, аввалгидай лифт визиллаб чиқиб, шарақлаб очилади – янги бўлак конвейер ўзра узун тизилган шиша идишлардан навбатдагисига тўшалишга тайёр ҳолда омбор ертўласидан елдай учиб чиқади.

Шу ернинг ўзида шишага жойловчилардан кейин зарядловчилар туради. Тасма сирпанади; тухумхўжайралар пробиркалардан шишаларга навбатма-навбат ўтказилади: қорин пардаси чаққонлик билан кесилди, морула ўз ўрнига жойланди, тузли қоришма билан тўлдирилди... Шиша у ердан ўтиб, қадоқловчилар қўлига боради. Ирсият, уруғлантирилган сана, Бокановский гуруҳи – барча маълумотлар пробиркадан шиша идишга кўчирилади. Мана, энди улар исмсиз эмас, паспорт олган шишалар ўз йўлида аста давом этади ва девордаги дарча орқали Ижтимоий тайинловлар залига оҳиста ва бир маромда кириб боради.

– Картотекалар кўлами саксон саккиз куб метр! – эълон қилди жаноб Фостер залнинг кириш эшиги олдида оғзининг суви қочганча.

– Булар айни дамдаги ишимизга тааллуқли маълумотлар, – қўшиб қўйди Раҳбар.

– Ҳар тонгда у янгиланади.

– Тушга келиб эса улар мувофиқлаштирилади.

– Сўнг шунинг асосида ҳисоб-китоб қиладилар.

– Мана шундай сифатдаги ушбу турга мансублар, – аниқлик киритди жаноб Фостер.

– Айнан мана шунча миқдорда.

– Шишаларни очишнинг мақбул тезлиги жорий вақтда белгиланади.

– Кутилмаганда йўқотилганлар ўрни зудлик билан тўлдирилади.

– Зудлик билан, – унинг гапини илиб кетди жаноб Фостер. – Япониядаги сўнгги зилзила мени ишга қанчалар кўмиб ташлаганини билганингизда эди!.. – у бошини чайқаганча, самимий кулиб қўйди.

– Тайинловчилар уруғлантирувчиларга буюртма беришади.

– Ва улар талаб қилинган эмбрионларни юборишади.

– Кейин шишалар муфассал тайинланиш учун шу ерга келтирилади.

– Шундан кейин пастга, Эмбрионарийга тушиб кетади.

– Биз ҳам ҳозир ўша ерни кўрамиз.

Сўнг жаноб Фостер эшикни очиб, зинапоя бўйлаб пастги қаватга бошлади.

Ҳарорат бу ерда ҳам жуда иссиқ эди. Атроф қоронғилашиб борди. Эшик, иккита муюлишдан иборат йўлак ва яна бир эшик ичкарига кун давомида тушиши мумкин бўлган ҳар қандай ёруғликнинг олдини оларди.

– Эмбрионлар фотоаппарат тасмасига ўхшайди, – иккинчи эшикни итараркан, ҳазил қилди жаноб Фостер. – Қизил рангдан бошқасига тоқати йўқ.

Аслида ҳам талабалар қадам қўйган жазирама зулмат қуёшли кунда кўз юмилса, унга кўринадиган қирмизи ранг мисоли эди. Қаватма-қават қатор бўлиб тизилиб,

узоқлашиб бораётган қабарик шиша идишлар ёқутдек товланар, ёқутлар оралаб эса хира қизил тусдаги эркак ва аёллар спектри кўзга ташланарди. Уларнинг кўзлари қип-қизил, ёноқлари эса мисоли тери силига чалингандаги каби қирмизи тусда эди. Ҳавода бўйиқ гувиллаган овоз, дастгоҳларнинг тарақлаши аста аралашиб борарди.

– Ёшларга рақамларни айтинг, жаноб Фостер, – деди Раҳбар. У бир оз нафасини ростлаб олмоқчи эди.

Жаноб Фостер қувончи ичига сиғмай, рақамларни ёғдира бошлади.

Эмбрионарийнинг узунлиги икки юз йигирма метр, кенлиги – икки юз, баландлиги – ўн метр эди. У тепага ишора қилди, талабалар эса сўв ичаётган жўжалар каби бошларини баланд шифт томон қаратишди.

Токчалар пастки, ўрта ва юқори – уч қават эди.

Темир тўрдек қаватлар тўрт томонга чўзилиб, зулмат қарига кириб кетганди. Сал нарироқда учта қизил тайинловчи шиша идишларни ўзиюрар зиналардан эпчиллик билан тушириб олишарди.

Бу эскалатор Ижтимоий тайинловлар залидан.

У ердан жўнатилаётганда шиша ўн бешта токчадан бирига қўйилади. Ҳар битта шунақа токча конвейердир – кўз илғамас даражада, соатига ўттиз учу учдан бир сантиметр тезликда силжийди. Икки юз олтмиш етти кеча-кундуз. Бир кеча-кундузда саккиз метр масофани босиб ўтади. Жами икки минг бир юз ўттиз олти метр бўлади. Ер сатҳидаги пастки қават бўйлаб битта айланма ҳаракат кейин ўрта қаватга ўтади, сўнгра юқори қаватдаги ярим доира бўйлаб силжийди, икки юз олтмиш еттинчи тонгда эса тиқинлар очилиб, дунёга келиш залига кириб боради. Мустақил ҳаёт кечириш даврига ўтади.

– Аммо ўша вақтгача, – хулоса қилди жаноб Фостер, – уларнинг устида анчагина ишлашга улгураимиз. Жў-у-уда кўп, – у сермаъно ва тантанавор руҳда хахолаб қўйди.

– Баракалла, бу менга маъқул, – яна уни мақтади Раҳ-

бар. — Қани, давом этайлик. Уларга ҳаммасини айтинг, жаноб Фостер, билимингизни аяманг.

Жаноб Фостернинг ҳам аяш нияти йўқ эди.

У талабаларга ошқозон пардасидан кесиб олинган тўшама ичида ўсадиган эмбрион ҳақида айтиб берди. Ҳар бир талаба тўйинтирилган, ҳомилага озуқа ўрнида берилувчи ва қон ўрнини босувчи суюқликдан татиб кўрди. Кейин нима сабабдан эмбрионга плацентин ва тироксин билан туртки берилишини тушунтирди. Гап *corpus luteum* экстракти ҳақида кетарди. Уларга бошланғич нуқтадан 2040 метрлик масофагача чўзилган йўлнинг ҳар ўн икки метрида бу экстрактни автоматик тарзда юбориб турадиган инжекторни кўрсатди. Йўналишнинг сўнгги тўқсон олтинчи метрида қўшиладиган гипофиз экстрактининг аста-секин ортиб борадиган дозаси ҳақида ҳам айтди. 112-метрда ҳар бир шишага ўрнатиладиган сунъий онанинг қон айланиш тизимини тасвирлади, қон ўрнини босувчи суюқлик сақланадиган резервуар ва синтетик қонни йўлдош орқали сунъий ўпка ҳамда тоза-лов фильтри орасидан тинимсиз айлантириб турадиган қайтарма насосни кўрсатди. Ҳомиланинг камқонликка ёқимсиз мойиллиги ва унга чўчка ошқозонидан олиннадиган экстракт ҳамда от эмбриони жигари берилиши ҳақида ҳам унутмади.

Сўнг талабаларга ҳомилани ҳаракатланишга ўргатиш учун йўлнинг ҳар саккиз метрлик қисмидаги охирги икки метрида барча шишаларни бирдай силкитиб турадиган содда механизмни кўрсатди. Шишаларни очиш вақтида рўй бериши мумкин бўлган жароҳатлар хавфи ва унинг таъсирини камайтириш учун эҳтиёт чораларини санаб ўтаркан, шишаланган ҳомилаларнинг махсус машқлари ҳақида гапирди. Шунингдек, у 200 метрлик масофада ҳомилалар жинси аниқланиши ҳақида ҳам маълумот берди. Ҳарфий ишоралар мазмунини ҳам тушунтирди: Т — эркак жинслилар учун, О — аёл жинслиларга, бўлғуси

хунасалар учун эса оқ фонда қора рангли сўроқ белгиси.

– Албатта, аксар ҳолларда насл қолдириш қобилияти ортиқча юк саналади, – деди жаноб Фостер. – Аслини олганда, мақсадимиз учун ҳар минг икки юз аёлдан бир дона насл тарқатувчи тухумдон тўла етарли бўларди. Аммо биз каттароқ танлов имкониятини хоҳлаймиз ва, албатта, насл қолдирувчи тухумдонларнинг фавқулдда ҳолатлар учун захирасига доим эҳтиёж бор. Шу боис, аёл жинсидаги ҳомилаларнинг ўттиз фоизи тўлақонли ривожланишига имкон берамиз. Қолганларига эса тасма йўналишининг ҳар йигирма тўртинчи метрида эркак жинсий гормони берилади. Оқибатда, тикин очиладиган пайтгача улар хунасага айланиб бўлади. Ташқи кўриниш жиҳатидан барчаси расо аёллар бўлса-да (аммо уларнинг иягидан соқол ўсиб чиқиши мумкинлигини тан олиш лозим), ўзидан насл қолдира олмайди. Кафолатланган бепуштлик. Бу эса бизга, ниҳоят, табиатга шунчаки тақлид қилинадиган қуллик муҳитидан анчагина қизиқроқ бўлган инсоний кашфиётлар дунёси томон йўл очади.

У қўлларини бир-бирига ишқади. Албатта, улар шунчаки эмбрионни дунёга келтириш билангина қаноатланиб қолмайди, буни сигир ҳам қила олади.

– Бундан ташқари, ҳар бир эмбрионнинг келажагини аввалдан тайин қиламиз, мослаштирамиз ва шакл берамиз. Бизнинг ёшларимиз жамиятга қўшилишга тайёр ҳолда дунёга келади. Альфа ва эпсилонлар сифатида, канализация тизимларида ишловчи ё бўлғуси... – у “Дунёнинг бўлғуси бошқарувчилари” демоқчи эди, лекин гапини иссиғида тўғрилади: – ... инкубаторийнинг бўлғуси раҳбарлари сифатида.

Раҳбар хушомад учун миннатдорона жилмайиб қўйди.

Нарироқда, 320 метрда, 11-тасма қаршисида тўхташди. У ерда ёш бета-манфий техник навбатдаги шишанинг қон ҳайдагичини бурагич ва калит ёрдамида созламоқда эди.

У гайкаларни калит билан бураса, электромотор шовқини пасайиб, бир оз бўғиларди. Пастроқ, пастроқ... Калит сўнги бор буралди, ҳисоблагичга кўз ташланди ва иш битди. Шундан сўнг у конвейер бўйлаб икки қадам ташларди-да, кейинги қон ҳайдагични сошлашга киришарди.

– Дақиқасига айланишлар сонини камайтирдик, – тушунтирди жаноб Фостер. – Қон ўрнини босувчи суюқлик энди секинроқ айланыпти; шундай қилиб, унинг ўпкада бўлиши орасидаги вақт узаяди, демак, ҳомилага камроқ кислород етказиб беради. Ақлий-жисмоний қобилиятни ҳеч нарса кислород танқислигичалик сўсайтира олмайди.

– Унинг даражаси нима учун сўсайтирилади? – сўради бир содда талаба.

Оғир жимлик чўқди.

– Эшак!.. – сукунатни бузди Раҳбарнинг ғазабнок жавоби. – Шунга ҳам фаросатинг етмадими? Эпсилон ҳомила нафақат эпсилон ирсиятига эга бўлиши, балки эпсилон озуқавий муҳитида шаклланиши ҳам керак!

Бефаросат талаба хижолатдан ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади.

– Табақаси қанча паст бўлса, шунча кам кислород юборилади. Унинг танқислиги, аввало, мияга таъсир қилади, кейин эса устухонга, – таъкидлади жаноб Фостер.

Етмиш фоизлик кислород таъминоти паканаларни дунёга келтиради. Етмиш фоиздан камроғи ҳеч нимага ярамайдиган, кўзи йўқ майиб-мажруҳларни яратади.

– Яъни умуман фойдаси йўқларни, – хулоса қилди жаноб Фостер. Сўнг унинг овозида ишонч ва ҳаяжон пайдо бўлди: – Қанийди, улғайишни тезлаштириш йўлини топганимизда, кашф қила олганимизда! Жамият учун бу қандай ютуқ, қанчалар саодат бўларди! Мисол тариқасида отларни олайлик.

Тингловчилар отни тасаввур қилишди.

Олти ёшидаёқ у вояга етади. Фил ўнинчи йилда улғаяди. Одам эса ўн уч яшарлигида ҳам жинсий балоғатга

етмайди, тўла камол топиши учун йигирма йил керак. Инсон онги кеч улғайиш мевасидир.

– Бироқ эпсилонлардан, – тўғриси айтди жаноб Фостер, – биз инсоний тафаккур талаб қилмаймиз.

Ақл керак эмасми, демак, уларга бу берилмайди. Аммо эпсилон мияси ўн ёшида ривожланишдан тўхтаса ҳам, унинг танаси ўн саккиз ёшга борибгина жисмоний меҳнат учун тўла етилади. Унумсиз ўспиринлик даври шунча йилга чўзилиб кетяпти. Агар жисмоний камолот даврини, айтайлик, сигирники каби тезлаштириш имкони топилганда эди, жамият учун қанчалар улкан иқтисодий тежаш бўларди!

– Улкан!.. – паст овозда хитоб қилди жаноб Фостернинг шижоатидан таъсирланган талабалар.

У илмий тафсилотларни чуқурлаштирди: инсоннинг вояга етишини ортга сурадиган ички секреция безларининг номуаносиблиги ҳақида нутқ ирод қилди; буни ҳомилага хос бўлган мутация билан изоҳлади. Ушбу мутация асоратларини бартараф қилиш мумкинми? Тегишли чоралар эвазига ҳар бир якка эпсилон ҳомилани ит ёки сигир наслларидаги каби ривожланиш қобилияти билан сийлашнинг иложи борми? Мана, муаммо нимада! Аммо бу деярли ҳал қилинди.

Пилкингтон Момбасда тўрт ёшда жинсий балоғатга етадиган, олти ярим ёшида эса тўлақонли улғаядиган зотни етиштиришнинг уддасидан чиқди. Фан ғалабаси! Аммо, ижтимоий жиҳатдан олсак, бари бефойда. Олти ёшли эркак ва аёллар ҳаддан ташқари ақлсиз. Улар ҳатто эпсилонлар бажарадиган ишни ҳам эплай олмайди. Пилкингтон усули эса шундай: ҳаммаси ёки ҳеч нарса, ё ўзгартирасан, ё бутунлай ўзгартирмайсан. Момбасда йигирма ёшдаги балоғат ва олти ёшдаги балоғат даврлари ўртасидаги олтин меъёрни топиш устида изланишлар кетяпти. Лекин ҳозирча бирон самара бўлмади. Жаноб Фостер нафасини ростлаб, бошини чайқади.

Қизғиш ним қоронғилик ичра кезиб, улар 170-метр-даги 9-тасма олдига келишди. Шу нуқтадан бошлаб тўққизинчи тасманинг ёнбош ва тепа қисмлари ёпиб қўйилганди; шиша идишлар ўз йўлларини гўё туннел оралаб бораётгандай давом эттирар, фақат у ер-бу ердаги очиқ жойлардан кўзга ташланиб қоларди.

– Иссиққа мослаштиряпмиз, – деди жаноб Фостер.

Иссиқ туннеллар салқинлари билан алмашиб туради. Салқин ҳароратга оғир рентген нурлари ҳам қўшилиб кетади. Шиша очиладиган вақтгача ҳомилалар совуқдан ўлгудай қўрқадиган аҳволга келади. Уларнинг тақдири аён: тропик ўлкаларга юборилади ё тоғ саноати ишчиларига айланишади, ацетат ипак йигиришади, пўлат қуйишади. Кейинчалик уларнинг танаси нимани талаб қилса, мияси шундай ўйлайдиган бўлади.

– Биз уларнинг танасини иссиққа мослаштирамиз. Юқори қаватлардаги ҳамкасбларимиз эса уларни иссиқни севишга ўргатади, – якунлади сўзини жаноб Фостер.

– Ва мана шунда, – насиҳатомуз оҳангда қўшиб қўйди Раҳбар, – бахт ҳамда фазилатлар сирлари мужассам: қисматингга битилганини сев! Рефлексларни пайдо қилиш орқали мослаштиришдан мақсад, одамларга муқаррар ижтимоий тақдирини севдиришдир.

Туннеллар орасидаги очиқ жойлардан бирида қўлида шприц тутган ҳамшира ишламоқда эди. У ингичка ва узун игнани шиша идишдаги илвираган танага авайлаб санчарди. Талабалар икки мураббий ҳамроҳлигида уни бир муддат сассиз кузатишди.

– Салом, Ленина, – сўз қотди жаноб Фостер ниҳоят у игнани суғуриб, қаддини ростлаган пайтда.

Қиз бир сесканиб, ортига ўгирилди. Кўзлари ва терисини қизил рангга бўяган шундай зулматда ҳам унинг жозибадорлиги кўриниб турарди.

– Ҳенри!.. – у маржондай бир текис тизилган тишларини намоиш этиб, алвон табассум қилди.

– Мафтункор, мафтункор, – унинг елкасига қоқиб, дилкашлик қилди Раҳбар. Қиз ҳам унга чуқур эҳтиром билан жилмайиб қўйди.

– Нима қиялпсан? – сўради жаноб Фостер энди батамом жиддий оҳангда.

– Ҳа, оддий дорилар – ич терлама, уйқусизликка қарши.

– Тропик минтақа ишчилари 150-метрда эмланади, – жаноб Фостер талабаларга тушунтирди. – У пайтда ҳомилада ҳали жабра бўлади. “Балиқ”ни бўлажак инсонга юқиши мумкин бўлган касалликлардан ҳимоялаймиз, – шундай дея у яна Ленинага юзланди: – Бугун ҳар доимгидай, ўнта кам бешда томда.

– Мафтункорсан, – такрорлади Раҳбар яна бир бор қизга, кейин унинг думбасига шапатилади-да, нари бориб, қолганларга қўшилди.

Ўнинчи тасмадаги турнақатор бўлиб тизилган шишалардаги бўлажак кимёгарларда қўрғошин, каустик сода, қорамой, хлорга нисбатан чидам шакллантирилмоқда. Учинчи тасмада ракета учоқлар муҳандиси бўлиши кўзда тутилган, икки юз эллик ҳомиладан иборат партия бир минг бир юзинчи метрдан ўтмоқда. Махсус механизм уларнинг идишини тинимсиз тўнқариб, айлантириб туради.

Жаноб Фостер тушунтиришда давом этди:

– Мувозанат ҳиссини мукаммаллаштириш учун уларни мураккаб вазифа кўтяпти: парвоз вақтида ракетанинг ташқи қопламасида таъмирлаш ишларини олиб бориш осон эмас. Шишалар тўғри турганда, биз қон айланишини секинлаштирамиз ва бу пайтда ҳомила организми очиқади, ҳомиланинг боши пастга қаратиб қўйилганда эса биз қон ўрнига берилувчи суюқлик миқдорини икки ҳисса оширамиз. Уларга тўнқариб қўйилган вақт роҳатли туюла бошлайди ва натижада ҳақиқий бахтни оёқлари осмондан бўлган пайтларидагина туя оладиган бўлишади. Энди эса сизларга альфа-мусбат зукколариға шакл беришнинг

айрим бағоят қизиқарли усулларини кўрсатмоқчиман. Аини дамда бешинчи тасмадан уларнинг катта бир партияси ўтяпти. Йўқ, пастки қаватда эмас, ўртадагида, — пастга қараб йўл олган икки талабани тўхтатди у ва изоҳ берди: — Улар 900-метр ҳудудида. Ҳомилани интеллектуал ўстиришни у думини йўқотишидан аввал бошлаш мутлақо фойдасиз. Юринглар.

Аммо Раҳбар соатига қараб қолди.

— Ўн дақиқа кам уч, — деди у. — Афсуски, интеллектуал эмбрионлар учун бизда вақт қолмади. Болаларнинг кундузги уйқу вақти тугагунча боғчага чиқишимиз керак.

Жаноб Фостернинг кайфияти түшди.

— Ҳеч бўлмаса, Очиб чиқариш залига бир кўз ташлайлик, — ялинди у.

— Унда яхши, — илтифотли жилмайди Раҳбар. — Фақат бир нигоҳ ташлаймиз.

**Ж**аноб Фостерни Очиб чиқариш залида қолдириб, Раҳбар ҳамда унинг талабалари шу яқин орадаги лифт орқали олтинчи қаватга кўтарилди.

Кираверишда “Болалар Боғчаси. Янги-Павловча РЕФЛЕКСЛАШТИРИШ ЗАЛЛАРИ” деб ёзилганди.

Раҳбар эшикни очгач, улар катта ва бўш залга кирдилар. У ер жуда ёруғ ва қуёшли, жанубга қараган девори битта яхлит деразадан иборат эди. Вискоза газламасидан тикилган оқ камзул-иштонли махсус иш кийимлари ва сочларини микроблардан ҳимоя қилувчи қалпоқлар кийган беш ё олти чоғли энага полга гул солинган гулдонларни узун қатор қилиб териб чиқиш билан овора. Бу атиргуллар билан тўлдирилган катта гулдонлар эди. Уларнинг гулбарглари митти малаклар галасининг ёноқлари янглиғ ипакдай силлиқ. Фақат латиф, пушти ҳинд-оврўпа ҳурларининггина эмас, айна вақтда порлоқ чой тусли чинларнинг, ҳам мексикалик бугдойрангларнинг, ҳам само сурчиларининг ғоят ҳимматидан тўқ қизил, ҳам ўлим фаришталари каби бўзарган, мармар қабр тошлари мисол оқ тусда эди.

Раҳбар кирди – энагалар қаддини ростлашди.

– Китобларни жой-жойига қўйинг, – деди у қисқагина қилиб.

Энагалар сўзсиз бўйсунди. Гулдонлар орасига терилган катта бичимдаги болалар учун мўлжалланган китобларни очиб қўйишди. Китобларда ўзига жалб қилувчи, олачипор ранглар билан бўялган ҳайвонлар, балиқ ва қўшлар сурати бор эди.

– Энди болаларни олиб кириш.

Энагалар буйруқни бажаргани шошилдилар ва икки дақиқа ўтгач, ҳар бири тўрт қават сим тўрли, баланд араваларни итариб кирдилар. Араваларга саккиз ойлик, бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш (ҳаммаси бир Бокановский гуруҳидан экани маълум эди) ва барчалари “дельта” синфига оид бўлгани учун мошранг кийим кийгизилган гўдаклар юкланганди.

– Полга туширинг.

Болаларни сим тўрлардан олиб, пастга туширишди.

– Юзларини гул ва китоблар томон буринг.

Китоб ва гулларга кўзи тушган бир саф болалар жим бўлиб қолишди, сўнг эмаклаб, гуллар дастаси, оппоқ китоб саҳифаларидаги байрамона, олачипор бўёқларда тасвирланган суратлар томон яқинлашишди. Ўша онда булут ортидан қуёш ҳам чиқди. Атиргуллар дафъатан ўт олган эҳтирос мисол лоп этиб ёнди, китобларнинг сержило саҳифалари, гўё ўзгача ва чуқур маънолар зиёсини сочди. Гўдаклар ҳаяжондан чуғурлаб, хурсандликдан қиқирлаб, илдамроқ судрала бошладилар.

– Қойилмақом!.. – деди Раҳбар, қўлларини бир-бирига ишқаркан. – Худди эртақдагидек.

Болалар ичида энг тиниб-тинчимаслари мақсадларига аллақачон етиб бўлди. Қўлчалар олдинга чўзилди, аста тегинди, ушлади, қуёш нурида тусланган атиргул баргларини ўзди, алвон рангли суратларни ёйимлади. Барча болалар ушбу дилтортар ўйинга қўшилгунларича Раҳбар кутиб турди. Кейин:

– Диққат билан кузатинг! – деди у талабаларга. Сўнг қўлини тепага қўтариб ишора берди.

Залнинг нариги четида, бошқарув коммутатори ёнида турган катта энага дастакни босди.

Шу он нимадир гўмбурлаб кетди, зални гўлдурлаган овоз тутди. Дафъатан бошланган чинқириқ қулоқни қоматга келтирадиган даражада ўткирлашиб борди. Огоҳлантирувчи қўнғироқлар жаранги даҳшатли эди.

Болалар бақира бошлашди; юзлари қўрқувдан буришиб кетди.

– Энди эса, – баланд овозда қичқирди Раҳбар (шовқин қулоқни қоматга келтирарди), – энди олган билимларини мустаҳкамлаш учун уларга электр токи билан енгил таъсир ўтказамиз.

У иккинчи бор қўлини силкитган эди, катта энага бошқа дастакни буради.

Болаларнинг чинқириғи энди аянчли дод-фарёдларга айланди. Уларнинг кескин, саросимали, титроққа тўла овозлари оҳанги ўзгарди, унда қандайдир машъум, соғлом ақлга зид нимадир бор эди. Гўдакларнинг жажжи вужуди буралиб тарракдек қотган, қўл ва оёқлари эса симга илакишиб қолгандек типирчиларди.

– Полнинг барча қисмига электр беришимиз мумкин, – бўкирик овозда тушунтириш берди Раҳбар. – Аммо шу етарли.

У бош энагага қаради.

Гумбурлаш ва шовқин тўхтади, увиллаган овоз тинчиб, ғойиб бўлди. Таначалар титрашни бас қилди, қичқириқ ва фарёдлар оддий, қўрқувдан пайдо бўлган йиғига айланди.

– Уларга яна гуллар ва китобларни кўрсатинг.

Энагалар итоаткорлик билан гулдонларни улар томон суриб, суратларни очди; бироқ атиргуллар ҳамда қувноқ мушукчалар, тождор хўроз ва қора буқачаларни кўрган болалар энди орқага тисарилиб, йиғилари кескин кучайди.

– Кўряпсизми!.. – деди Раҳбар ғолибона руҳда. – Кўряпсизми!

Китоб ва гул суратлари кучли шовқин ва электрошок билан уйғунлашиб, гўдаклар миясида бадном бўлди. Шу ва шунга ўхшаш тажрибалар икки юз марта қайтарилгач, бу уйғунлик узиб бўлмас даражада пишиқлашади. Инсон улаган нарсани табиат узиб юбора олмайди.

– Улар гул ва китобга нисбатан руҳшунослар қачондир “инстинктив” дея атаган нафрат билан улғаяди. Бу рефлекс бутун умр сақланиб қолади. Биз уларни китоблар ва ботаникадан бир умрга халос қиламиз, – бу гапларни айтаркан, Раҳбар энагалар томон қайрилди: – Олиб кетинг.

Ҳамон инграётган гўдакларни индамас энагалари аравачаларга жойлаб олиб кетишди. Ортларидан қатиқ ҳиди ва, энг муҳими, осудалик қолди.

Талабалардан бири қўлини кўтарди: у қуйи кастадагилар китоб ўқиб, жамият вақтини исроф қилишларига йўл қўймаслик кераклигини, лекин кейинчалик китоб ўқиб қўйиб, унинг таъсирида ҳозир шакллантириладиган рефлексларнинг йўқолиб кетиш хавфи ҳамиша борлигини яхши биларди. Аммо гуллар... Гуллар масаласи мавҳум. Дельталарга гулларни севишни руҳий жиҳатдан имконсиз қилиб қўйишга вақт ва куч сарф қилишнинг нима кераги бор?

Раҳбар ҳафсала билан тушунтира бошлади. Ҳозир бу гўдаклар гулни чинқириқ билан қарши олаётган бўлса ҳам, бу юксак иқтисодий мақсадлар йўлида амалга оширилмоқда. Яқин ўтмишда (юз йил аввал) гаммалар, дельталар ва ҳатто эпсилонларда ҳам гулларга, умуман, ёввойи табиатга муҳаббат шакллантириларди. Бундан мақсад, ишдан бўш вақтлар уларнинг кўнгли шаҳар ташқарисини, ўрмонлар, яйловларни тўсаб қолса, у ерга бориш учун транспортларни тўлдириш эди.

– Кейин нима бўлди? Улар транспортдан фойдаланмадимми? – сўради талаба.

– Транспортдан-ку, фойдаланишди, – жавоб берди Раҳбар, – аммо шугина холос-да.

Гуллар ва табиатдаги эътиборга молик қусур шундаки, улардаги гўзаллик ва ифтор бепул, деб таъкидлади Раҳбар. Табиатга нисбатан севги фабрикаларни тўлдирмайди. Шунинг учун нима қилиб бўлса ҳам, паст касталилар учун табиатга бўлган муҳаббатни бекор қилишга қарор

қилинди. Лекин бу нарса транспортларнинг аввалгидай тўлиб қатнашига халақит қилмаслиги, одамлар табиатдан нафратланса-да, шаҳар ташқарисига аввалгидай бориб келишда давом этиши зарур эди. Транспортлар қатнови учун қандайдир гул ва манзараларга бўлган интилишдан кўра, иқтисодий жиҳатдан мақбулроқ бўлган бирор сабабни излаб топиш вазифаси турарди. Ўша сабаб ҳам топилди.

– Биз оломонга табиатдан жирканишни ўргатамиз. Лекин, айтиб бериш керак, уларни табиат спортига қизиқтирамиз. Боз устига, айнан мураккаб жиҳозлар билан ишлашни талаб қиладиган турларига. Бизга нафақат транспортларнинг тўлиб қатнаши муҳим, балки спорт анжомларини ишлаб чиқарадиган фабрикаларнинг ҳам иши гуркирасин. Гулларни электрошок билан уйғунлаштириш ғояси айнан мана шундан келиб чиқди, – дея хулосалади Раҳбар фикрини.

– Тушунарли, – деди талаба ва ҳайрат ичида жимиб қолди.

Қисқа тин олишдан сўнг Раҳбар томоғини бир қириб олди-да, яна гапга тушди:

– Қадим замонларда, буюк раҳнамомиз Форд ҳали ҳаётлигида, Рувим Рабинович исмли бола бўлган экан. Рувимнинг ота-онаси полякзабон экан, – Раҳбар бир оз тин олди. – “Полякча” нима эканлигини билсангиз керак?

– Бу – тил, ўлик тил.

– Француз ва немис тиллари каби, – ўз билимини намойиш қилишга шошилди бошқа бир талаба.

– Ота-она-чи? – сўради Раҳбар.

Ўнғайсиз жимлик чўқди. Айрим талабалар уятдан қизарди. Улар ҳали тоза ва нотоза илм орасида мавжуд бўлган, лекин жуда нозик саналган фарқни илғашни ўрганмагандилар. Ниҳоят биттаси юрак ютиб қўлини кўтарди.

– Одамлар аввал... – у доводирарди, юзлари эса лав-

лагидай қизарди. – Улар туға оларди.

– Тўппа-тўғри, – Раҳбар маъқуллаб бош ирғади.

– Ва уларнинг болалари очиб чиққан пайт...

– Туғилган пайт, – тўғрилади Раҳбар.

– Улар шу тахлит ота-онага айланишган. Яъни болалар эмас, албатта, аксинча, бошқаси... – бечора бола саросимага тушди.

– Қисқаси, – хулоса қилди Раҳбар, – кимнидир дунёга келтирган эркак ва аёл – ота-она.

Айни дамда нотоза илмий атама саналган бу сўзларни эшитиб, уларнинг дами ичига тушди.

– Она, – атама ёдларида қолиши учун Раҳбар баланд овозда такрорлади ва оромкурсига ястаниб ўтириб олгач, вазминлик билан деди: – Булар ёқимсиз фактлар. Аммо аксар тарихий фактлар шунақа ёқимсиз. Келинг, яхшиси, Рувимга қайтамиз. Қайсидир бир кеча Рувимнинг ота-онаси (*талабаларнинг дами ичига тушди*) унинг хонасидаги радиоприёмникни ўчиришни унутиб қолдиради. Ёдда тутишингиз керак: туғиш оммавий бўлган ўша даврларда болаларни давлат Тарбия марказлари эмас, уларнинг ота-оналари вояга етказган.

Бола ўхлаётганди, шу пайт кутилмаганда Лондондан бир эшиттириш эфирга узатилиб қолди, келаси тонгда эса ота-онасини ҳайратга солиб (*айрим дадилроқ ёшлар бир бирига қараб маъноли тиржайиб қўйишди*) ўйғонган жажжи Рувим кекса ёзувчи Жорж Бернард Шоу билан бўлган, радиодан узатилган узоқ суҳбатни ёддан, сўзма-сўз айтиб берди (*“У асарлари бизгача етиб келишига имкон берилган жуда кам сонли адабиётчилардан биридир” деб ёзди қаламлар*). Ишонарли ривоятларга кўра, ўша кеча у, яъни Шоу билан ўтган суҳбат мавзуси даҳолик эди. Рувимнинг ота-онаси (*талабалар орасида маъноли қарашлар, ҳингиллашлар бошланди*) унинг бирор сўзини, албатта, тушунмаган. Кейин уни ақлдан озганга чиқаришди-ю, шифокорни чақиришди.

Хайриятки, у англиз тилини тушунаркан, аввалги тунда ўтган радиосўхбат мазмунини фаҳмлади, бўлиб ўтган воқеанинг қанчалар фавқулодда эканини тўла англаб, тиббий журналга хабар юборди.

– Гипнопедия, яъни ўйқу вақтида билим олиш тамойиллари шу тарзда кашф қилинди, – Раҳбар узоқ сукутга чўмди.

Кашф қилишга-ку қилишди, аммо бу тамойилни амалиётга татбиқ этиш йўлини топгунларича жуда кўп йиллар ўтди.

– Рувим билан кечган ҳодиса буюк раҳнамомиз Форд автомобиль бозорига ўзининг илк “T-Model”ини чиқарган вақтдан бор-йўғи йигирма уч йил ўтиб рўй берганди *(Шу сўзларни айтаркан, Раҳбар қорнига бармоғи билан Т белгисини чизиб, чўқиниб қўйди ва барча талабалар чин ихлос билан унинг ҳаракатини такрорлашди)*. Бироқ яна...

Қаламлар беҳад абжирлик билан қоғоз узра чопарди: *“Гипнопедия Форд даврининг 214 йилида илк бор амалиётга татбиқ қилинди. Нега аввалроқ эмас? Икки сабабга кўра: а) ...”*

– Бу илк тадқиқодчилар, – деди Раҳбар, – хато йўлдан кетаётган эди. Улар гипнопедияни интеллектуал таълим воситаси деб ўйлардилар...

\*

(Ўнг томони билан ухлаб ётган боланинг ўнг қўли ётоқдан пастга осилиб қолди. Радиокарнай – кичик, тўр симли тешиқдан паст бир овоз янграрди:

“Нил – Африкадаги энг узун ва узунлигига кўра курраи заминдаги иккинчи дарёдир. Гарчи Нил Миссисипи-Миссуридан кўра қисқароқ бўлса ҳам, у жанубдан шимолга 35 даража чўзилган ҳавзаси узунлиги бўйича биринчи ўринда туради...”

Тонгда, бола нонушта қилаётган пайтда, ундан сўрашади:

– Томми, Африкадаги энг узун дарё қайси, биласанми?  
Томми бошини чайқайди.

– Яхшилаб эслаб кўр, қани. Қани, қандай бошланарди:  
“Нил Африкадаги...”

– Нил – Африкадаги энг узун ва узунлигига кўра курраи  
заминдаги иккинчи дарёдир... – сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб  
келарди. – Гарчи-Нил-Миссисипи-Миссуридан...

– Демак, қайси дарё Африкада бошқаларидан кўра энг  
узуну экан?

Болачанинг кўзлари ёниқ ва маъносиз тикилганди.

– Билмайман.

– Нил-чи?

– Нил – Африкадаги энг узун ва узунлигига кўра курраи  
заминдаги иккинчи дарёдир...

– Хў-ўш, энди айт-чи, Томми, қайси бири барчасидан  
узунроқ экан?

Томмининг кўзлари ёшга тўлади.

– Билмайман, – бақирди у.)

\*

– Мана шу аччиқ нидо илк тадқиқодчиларнинг хаф-  
саласини пир қилди, – таъкидлади Раҳбар. – Тажриба-  
лар тўхтатилди. Ухлаётган болаларга Нилнинг узунлиги  
ҳақида тушунча беришга бўлак уринмадилар ва уринмай  
тўғри қилишди ҳам. Илмни тушунчасиз, унинг мазмунини  
чақмай туриб ўрганиш мумкин эмас...

Талабаларни эшик томон эргаштираркан, Раҳбар  
гапида давом этди.

– Агар улар ахлоқий тарбия билан шуғулланганларида  
эди... Ахлоқий тарбия эса ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолатда  
рационал бўлмаслиги керак.

Талабалар йўлда ҳам, лифтда юқорига кўтарилаётган-  
да ҳам ёзишдан тўхтамадилар.

“Секинроқ! Секинроқ!” – шивирлади радиокарнай-  
дан чиқаётган овоз. Айни пайтда улар ўн бешинчи қават-  
да лифтдан тушган, радиокарнайдан тарқаган бу сас эса

муайян вақт оралаб, уларни йўлак бўйлаб бетиним таъқиб қилди. Талабалар ва ҳатто Раҳбарнинг ўзи беихтиёр оёқ учида юриб бораётганди. Уларнинг барчаси альфалар эди, бироқ альфаларда ҳам албатта рефлекслар керагича шакллантирилганди. “Секинроқ! Секинроқ!” – бутун ўн бешинчи қават ушбу шивирлаш оҳангидаги қатъий бўйруққа бўйсунарди.

Оёқ учида эллик қадамча юргач, Раҳбар эшикни аста очди. Шундан сўнг улар ичкарига кириб, деразаларига парда тортилган ним қоронғи ётоқхонага дуч келишди. Девоглар бўйлаб узунасига ўн бешта каравот тизилганди. Енгил ва бир текисда олинаётган нафас ва кимнингдир кучсиз, ғўғиллаган, қандайдир бетиним босинқираши эшитилиб турар, гўё олисда кимдир шивирлаётгандек эди.

Тарбиячи аёл кириб келганларни кутиб олиш учун ўрнидан туриб, Раҳбарга пешвоз чиқди.

– Бугун оқшомги дарс мавзуси қандай?

– Илк қирқ дақиқа Жинсий ҳаёт асослари эди, – жавоб берди у. – Энди Синфийлик туйғуси асосларига ўзгартирилди.

Раҳбар каравот қаторлари бўйлаб аста юриб кетди. Саксон нафар қиз ва ўғил бола қизарганча пишиллаб ухлаб ётарди. Ҳар бир ёстиқ тагидан шивирлаш эшитилади. Раҳбар юришдан тўхтади ва бир каравот ўзра эгилиб, қулоқ тутди.

– Синфийлик туйғуси асослари, дейсизми? Келинг, бир оз баландроқ қиламиз – карнай орқали.

Зал охирида деворга овоз кучайтиргич ўрнатилганди. Раҳбар бориб, уни ёқди.

“... гамма яшил либос кияди, – сокин, аммо жуда аниқ овозда таралаётган гап ўртасидан бошланди, – дельталар эса мошранг либосда. Йўқ, йўқ, мен дельта болалар билан ўйнашни хоҳламайман. Эпсилонлар улардан баттар. Улар шу қадар аҳмоқки, на ўқишни ва на ёзишни ўргана

олади. Камига, улар қора кийимда юради. Улар шу қадар ирkitки! Менинг бета эканлигим нақадар яхши!..”

Овоз тинди ва яна қайта жаранглай бошланди:

“Альфа болаларнинг кийими кулранг. Альфалар биздан кўра қаттиқроқ ишлайди, чунки улар жуда ақлли. Менинг бета эканим ва ишимиз осонлиги қандай мўъжиза! Яна биз гамма ва дельталарга қараганда анча зўрроқмиз. Гаммалар аҳмоқ. Улар яшил кийимда юради, дельталар эса мошранг кийимда. Йўқ, йўқ, мен дельта болалар билан ўйнашни хоҳламайман. Эпсилонлар улардан ҳам баттар. Улар шу қадар аҳмоқки, на...”

Раҳбар ўчириш тугмачасини босди. Овоз ўчди. Фақат унинг шарпаси – ўн саккиз ёстиқ остидан таралаётган, аввалги ожиз шивирлашгина қолди.

– Уйғонгунларича буни уларга яна қирқ ё эллик марта қайта эшиттиришади; кейин пайшанба ва жума кунлари қайта қўйиб беришади. Ўттиз ой давомида ҳафтада уч бор, бир юз йигирма мартадан. Шундан сўнг улар бошқа, мураккаброқ дарсларга ўтишади.

Атиргуллар ва электрошок, мошранг кийимли дельталар ва бадбўй саримсоқ ҳиди – улар ўзаро боғлиқ шаклда бола онгига ўрнашади. Аммо сўзлар ёрдамисиз шартли рефлексия пайдо қилиш қўпол ва ялпи таъсир қилади; унинг ёрдамида одам ҳулқидаги нозик фарқларни, мураккаброқ ҳулқни шакллантириб бўлмайди. Бунинг учун сўз керак, ақлга асосланмаган сўзлар. Қисқаси, гипнопедия – айна муддао.

– Барча замонларда энг буюк ахлоқий ва жамият ҳаётига тайёрловчи куч.

Бу сўзларни талабалар ақлли оғиздан чиқиши билан тўғридан-тўғри ён дафтарларига ёзиб қўйишди.

Раҳбар яна овоз кучайтиргични ёқди.

“... жуда ақлли, – сокин, айёрона ва тинмас овоз янгради. – Бета эканимдан жуда мамнунман, чунки...”

Бу сўзлар бамисли томчи каби эди, ахир сўз бўлса-

да, тинимсиз томиб турган томчи энг мустаҳкам тош – гранитни ҳам тешишга қодир; ёки тўғрироғи, муҳр муми каби томарди улар. Кейин бу томчилар ўша тош бутунлай қирмизи мум қотишмасига айлангунига қадар ёпишиб, унга сингиб борарди.

– Боланинг бутун онги ана шу уқтиришлар билан тўлгач, у шу уқтиришларнинг йиғиндисига айланиб қолади. Нафақат боланинг, балки катталарнинг онги ҳам бир умрга шу тарзда қолади. Мухокама, хоҳиш ва қарорларга жавобгар мия ана фақат шу уқтиришлардан иборат бўлади. Биз нимани уқтирсак, ўша!.. – Раҳбар тантанавор руҳда хитоб қилди, сўнг столга қўли билан муштлади. – Давлат сингдирган! Ва шундай экан...

Шу пайт кутилмаган ғала-ғовур уни ортга қайрилишга мажбур қилди.

– Ё Фордим! – авзойи бўзилиб деди у. – Ана бўлмасам, болаларни уйғотиб юбордик...

Kitobni to'liq o'qish uchun  
quyidagi havolaga o'ting:

<http://asaxiy.uz/u/64ba6f7dde948>

